

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAN NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Ўринов, Д.Усмонов

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун Коши-Гурса масаласи 6

А.Ғойипов

Бир номаълумли модулли тенгламаларни ечишнинг бир усули ҳақида 18

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров

Автомобиль чиқинди газларини каталитик тозалаш 25

Ғ.Мадраҳимов, М.Ҳожиматов, И.Асқаров

1-(2-карбоксифенил)-1'-n-метил оксиферроценил тиюамид синтези ва унинг биостимуляторлик хоссалари 31

Ш.Каримов, Н.Хабибуллаева, А.Хаитбаев

Leptinotarsa decemlineata (Say) таркибидан хитозан ажратиш олиш 36

И.Асқаров, Ф.Абдугаппаров, М.Ҳожиматов

Амигдалиннинг кимёвий хоссалари ва инсон саломатлигига таъсири 42

А.Йўлчиев, К.Джамолов, И.Асқаров, М.Мўминов

Мувозанатлаштирилган гранулаланган омехта ем таркибини бойитиш 49

Х.Исмоилов, О.Саримсоқов, С.Хайдаров

Пахта пневмотранспорти учун материал ўтказгич конструкциясини ишлаб чиқиш 53

У.Мараимова, И.Жалолов, Г.Бегматова, С.Арипова

Ўзбекистонда ўсадиган *goetertia hybrida*даги кимёвий элементларнинг миқдорий таркибини аниқлаш 57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

Г.Халматжанова, А.Ғофуров

Кластер тизими ривожда сув ресурслари салоҳиятини ошириш 62

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

И.Сиддиқов

Ўрта асрлар ислом ғоносологияси ва теологиясининг ўзаро синтезлашуви 68

ТАРИХ

М.Исамиддинов

Қадимги Марғиёна ва Бақтрия ҳудудидаги яз-ii археологик комплексларини даврлаштириш масалалари 75

И.Мамадалиев, Тим Брэгер

Ўрта Осиё Россия империяси таркибида 79

Р.Арслонзода

Ўзбекистонда мактаб тарих таълими тизимининг шаклланиши 85

А.Йўлдашев

XX асрнинг 20-йилларида европада таълим олган ўзбек қизи 90

Д.Абдуллаев

XX асрда Ўзбекистон аҳолиси тақдирланишининг архив манбаларида акс эттирилиши 95

Н.Рахматова

Мустақил Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда каштачилик ва касаначиликнинг ўрни 102

УДК: 940.1+165+297+21

ЎРТА АСРЛАР ИСЛОМ ГНОСЕОЛОГИЯСИ ВА ТЕОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗАРО
СИНТЕЗЛАШУВИ

ВЗАИМНЫЙ СИНТЕЗ ГНОСЕОЛОГИИ И ТЕОЛОГИИ СРЕДНЕВЕКОВОГО ИСЛАМА

MUTUAL SYNTHESIS OF MEDIEVAL ISLAM GNOSEOLOGY AND THEOLOGY

Сиддиқов Илёсжон Бахромович¹¹Сиддиқов Илёсжон Бахромович

– Фарғона давлат университети, фалсафа кафедраси
катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада ўрта аср Шарқ гносеологик ва теологик қарашлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, ўзаро таъсирлашув натижалари, уйғун ва қарама-қарши жиҳатлари тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье рассматриваются этапы становления и развития системы восточных гносеологических и теологических воззрений Средневековья, результаты взаимодействия, гармоничные и противоречивые аспекты.

Annotation

This article examines the stages of formation and development of the system of Oriental, gnoseological and theological views of the Middle Ages, the results of interaction, harmonious and controversial aspects.

Таянч сўз ва иборалар: ислом, ислом фалсафаси, билим, ақл, фан, гносеология, теология, синтез, тасаввуф, ҳақиқат.

Ключевые слова и выражения: ислам, исламская философия, знание, разум, наука, гносеология, теология, синтез, мистицизм, реальность.

Key words and expressions: Islam, Islamic philosophy, knowledge, mind, science, gnoseology, theology, synthesis, mysticism, reality.

Ўрта асрлар араб-мусулмон оламнинг гносеологик дунёқараши юнон, ҳинд ва бошқа маданиятлар билан мулоқот натижасида ривожланиб борди ва ислом фикрий ривож билан синтезлашуви кузатилди. Натижада рационал ислом теологияси ва соф ақлий далилларга таянувчи йўналишларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатди. Шу билан бирга ислом илоҳиётининг юксак даражада ривожланишига, кучли теологик асосларнинг яратилишига ва бу орқали эътиқодий ҳамда ақидавий асослар, ишончларнинг мустаҳкамланишига шароит яратилди. Ўрта асрлар ислом дунёсидаги илмий ҳамжамиятлар фаолияти, илоҳиёт мактабларнинг ривожланиши асосида ақлий ва нақлий ёндашувлар ўртасида баҳслар юзага кела бошлади.

Бу даврда шаклланган гносеологик ва теологик қарашларнинг қиёсий таҳлили асосида хулосаларни шакллантириш ва ижтимоий аҳамиятини аниқлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда ўрта аср мусулмон Шарқи мамлакатларидаги илмий мактаблар ва уларда шаклланган

гносеологик қарашлар, ёндашувлар тизими етарли даражада ўрганилмаган. Агар чуқурроқ разм солинса, бундай илм масканларининг умумий сони ўндан ортиқ. Уларга “Бағдоддаги “Байт ал-ҳикма”, Бухородаги “Сиван ал-ҳикма”, Қоҳирадаги “Дар ал-ҳикма”, Марғилондаги Носир ад-дин ат-Тусий ишлаган расадхона, Хоразмдаги ал-Маъмун ва Самарқанддаги Улуғбек академиялари кабиларни келтириш мумкин”[1;4]. Бағдоддаги “Байт ал-ҳикма” юқорида санаб ўтилган илмий мактаблар орасида нафақат энг дастлабкиси бўлган, балки ўзининг катта шуҳрат қозониши билан ҳам ажралиб турган. Зеро, аксарият тадқиқотчилар уни ўрта аср Шарқининг ўзига хос академияси сифатида эътироф этадилар Шунга қарамасдан, “Байт ал-ҳикма”даги илмий жараёнлар хануз тўлалигича ўрганилмаган. Адабиётлардаги бу илмий мактабга нисбатан тез-тез учраб турадиган ишоралар, фикр ва мулоҳазалар тарқоқ ҳолда бўлиб, улар “Байт ал-ҳикма” ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди.

Ўрта аср Шарқ фалсафий муҳитида ислом теологияси махсус диний дунёқараш

ФАЛСАФА-СИЁСАТ

сифатида кенг тарқала бориши билан бирга аста-секин унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий, адабий каби томонларини ишлаб чиқишга эътибор кучайган. IX-X асрларга келиб, Қуръонга асосланган махсус ислом илмлари, яъни исломнинг турли томонлама асосини мустаҳкамлаш ва уни талқин этишга қаратилган теологик йўналишлар шакллана бошлаган эди. Диний ва дунёвий илмлар ўртасидаги бағрикенг муносабат ва соғлом рақобат, конструктив мулоқот уларнинг юқори даражада ривожланишини таъминлади. “Зеро, ислом динида дунёвийликка динга ёт тушунча сифатида қаралмайди. Ислом динининг муқаддас манбалари – Қуръон карим ва Суннада ҳам дунёвийлик тамойиллари асосларини кўриш мумкин. Жумладан, “Бақара” сураси 201-оятда яна шундайлари ҳам борки, улар: “Эй, Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охирада ҳам яхшилик(ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин”, дейдилар[2;24]. Ушбу оятда инсон бу дунёси учун ҳам ҳаракат қилиш кераклигига ишора қилинади. Шунингдек, диний ва дунёвий илмларга асосланган йўналишлар фаолияти ва улардаги ворисийлик анъаналарининг сақланиши ҳам илмий фаолиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатди. Шу билан бирга рағбатлантирувчи илмий муҳитнинг шаклланиши гносеологик ва теологик қарашларнинг ўзаро таъсирлашуви, синтезлашуви ва уйғунликда исломий дунёқараш ва тафаккур тарзининг юксалишига асос бўлди.

Ўрта аср Шарқ гносеологик қарашлар тизимининг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар ичида ворисийлик анъаналарининг ўрни юқори ҳисобланади. Бунга қадимги давр Ғарб фалсафаси ва маданий меросини шарққа, ислом фалсафасига таъсирини, шарқ перипатетикларининг гносеологик қарашларининг ворисийлик асосида такомиллаштирилишида кўриш мумкин. Шунингдек, ислом теологик ёндашув тарзининг ривожидан даврида илмга асосланган мунозаралар нафақат илмий уйғонишнинг муҳим омилларидан бири бўлган, балки фикрлар хилма-хиллиги яшовчанлигининг энг муҳим омили саналган. Умуман олганда, бугун чоп этилаётган турли мавзудаги китоблар ва улар асосида юзага келаётган соф илмий мунозаралар диний ва ижтимоий зарарларни эмас, аксинча, диний ва дунёвий келишувчанликни ўзида акс эттирмоғи лозим.

Ўрта аср Шарқ гносеологлари ва теологлари томонидан “билим”га берилган таърифлар ўртасида фарқ бўлиб, файласуф

ва илоҳиётчиларнинг мақсадлари ҳар хил бўлганлигидан далолат беради. Илоҳиётчиларнинг назарий жиҳатдан яхши тайёрланган ва уларнинг асарларида яхши ишлаб чиқилган эпистемология мавжуд эди. Бу эпистемология мантиқ, билимларнинг ишончлилиги ҳамда манбалар асосида турларга бўлишга таянганди. Илоҳиётчилар асарларининг аввалида мунтазам равишда билим ҳақидаги назария келтирилади, сўнг илоҳиёт билан боғлиқ масалалар кўрилади. Кейинги илоҳиётчилар ҳам имонга билим орқали келиш (етишиш) ғоясини тарғиб қиладилар. Гносеологлар билимларни илоҳий илмлар (руҳ, ақл, олий сабаб (Аллоҳ) ва унинг хусусиятларига бағишланган илмлар) ва фалсафий билимга ажратадилар.

Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик қарашларида “ақл” тушунчаси катта аҳамият касб этган. Ислом илоҳиётига кўра, “ҳикматга ақл орқали эришилади, ақлнинг ўзи эса ваҳийнинг намоёни бўлган макрокосмик ҳақиқатнинг микрокосмик аксидир, деб ушбу таълимотга асосланган ҳолда ислом фалсафасида ақл таълимотини ривожлантирдилар. Агар Форобийнинг фалсафани ҳикматни англаш илми сифатида тавсифлагани ва бу хулоса кейинчалик ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолгани ҳисобга олинса, масала янада ойдинлашади”[3;16-17].

Ўрта аср Шарқ гносеологиясида ақл муҳим аҳамиятга эга бўлган ва уни турли жиҳатларда ўрганишган, масалан, ақл – фикр тушунчаси сифатида. Ақлга, билимга эга бўлган ва шариат талабларига бўйсунувчи, балоғатга етган инсон тўғри хулқ-атвор эгасидир. Демак, ақллилиқ дин ақидалари, расм-русумларидан хабардор бўлиш, уларни билишдан иборат, ақллилиқ диндорликка тенгдир. Ақллилиқ инсоннинг ўзининг–ўзи ва жамиятга нисбатан масъулиятини ифода этади, ўзида диндан хабардорлик ва ҳаётий прагматизмни бирлаштиришни ифодалайди. Ибн Сино илоҳиётида ақл муаммосига қўйидагича муносабатни кўриш мумкин: “Маълумки, руҳлар фойдаланиши мумкин бўлган тана вужудга келгандагина руҳлар пайдо бўлади... сўнг шундай ҳолат пайдо бўладики, у ақлга асосланган ҳаракатларни таъминлайди...”[4;448-449]. Ибн Сино руҳга таъриф берар экан, уни кўзгу билан таққослайди, бу кўзгуда нарсаларнинг шакллари акс этади. Инсон мияси кўзгу каби оламнинг бир қисмини ўзида акс этади, бунда нафақат унинг ташқи кўриниши, балки ундаги ички алоқадорлик ҳам кўринади. Онг мазмуни

– худди кўзгудаги нарсанинг акси каби моддий эмасдир.

Ислом илоҳиётчилари фикрига кўра, инсон ақли илоҳий ақлга ўхшайди, лекин айнан ўхшашлиги сабабли мукамал эмасдир. Иккинчидан, ақл потенциал шаклда (масалан, болаларда), фикр юритиш билан боғлиқ қобилият сифатида ҳамда актуал шаклда, яъни амалга ошган, фаолият кўрсатувчи ақл сифатида намоён бўлади. Учинчидан, таълим олиш, тажриба орттириш, хулосалар чиқариш натижасида қўлга киритилган (эгалланган) ақл ва эгалланмаган, бевосита интуицияга айнан бўлган ақл. Тўртинчидан, ақл пассив, яъни таъсирларни қабул қилувчи (таъсирланувчи) ҳамда фаол, нарсаларга таъсир қилувчи, шакл ҳосил қилувчи бўлиши мумкин.

Ўрта аср Шарқ теологиясининг гносеологик қарашлар билан синтезлашув натижасида руҳнинг абадийлиги ва тана билан муносабати масалалари ҳам ёритилган. Онгли руҳ муаммоси диний дунёқараш, яъни руҳнинг абадийлиги муаммоси билан боғлиқ ва бундай кўринишда – руҳнинг тана билан боғлиқлиги ёки ундан мустақил эканлиги масаласида қўшимча фалсафий тавсифга эга бўлади. Мусулмон илоҳиёти руҳ билан танани бир-бирига боғлайди, унинг абадийлиги ва у дунёда тирилишини эътироф этади. Мусулмон диний фалсафаси вакиллари бу муаммони ҳар ҳолда руҳга нисбатан аниқ ҳал этишди: руҳ абадий, инсон ўлимидан сўнг руҳ, онгли руҳ (яъни ақлга эга руҳ) дунёвий руҳ билан бирлашади.

Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик қарашларини ислом илоҳиётшунослиги билан синтезлашувини шарқ перипатетикларининг ғоя ва таълимотларида кўриш мумкин. Ўрта Осиёда янги афлотунча қарашларнинг тараққиётида Киндий, Розий, Форобий ва Ибн Синоларнинг ғоялари муҳим ўрин тутди. Киндий тафаккурида кўпроқ Арасту унсурлари устунлик қилса, Абу Бакр Закарийё Розийда Афлотун қарашлари кучлироқ эди.

Янги афлотунча ақидаларнинг шарҳи йирик ислом файласуфи Абу Наср Форобий асарларида берилган. У таббий-илмий, ижтимоий фанлар, билиш назарияси каби умумфалсафий масалаларни ёритар экан, энг аввало ақл ва фалсафий тафаккур муаммоларини ўртага қўяди[5;6]. Форобий назарича, мантиқдан табиат фалсафасига етиб келиш, мантиқдан ахлоққа етиб келишдек, табиийдир. У ўзининг барча илмларни қуйидагича саккиз ном остида тасниф қилади:

илму луғат (филология), мантиқиёт (логика), риёзиёт (математика), табиёт (табиатшунослик), илоҳиёт, сиёсиёт (сиёсатшунослик), фикҳ (ислом ҳуқуқи) ва калом. Унинг фикрича, “инсоннинг фикрлаш қобилияти уни инсон қилиб турган табиатининг биринчи босқичидир. У амалдаги ақлга айланишга қобилиятли ва имкониятлидир. У фаол ақлга етишиш учун яна икки босқичдан ўтади., таъсирчан ақл амалдаги ақлга айланади ва шундан кейин ақл мустафид, яъни фойдали ақлга айланади. Мана шу биринчи босқични забт этган одам билан фаол ақл ўртасида ҳам икки босқич бор”[5;126]. Форобий дин ва фалсафани ҳақиқатга етишишнинг икки мустақил усули, деб ҳисоблади. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтди. Форобийнинг назарида диний ҳақиқатлар фалсафий мисоллардан иборат эди. Бошқача ибора билан айтганда, дин ва фалсафа ягона бирликнинг икки хил жиҳатларидир. Фалсафа далилий ҳукмларнинг қоидаларига таянади, дин эса ўша ҳукмлар ва қоидаларнинг хитобий шаклидир. Унинг фикрича, ақл шариатнинг таянчи ва мададкори бўлиб, моҳиятан у билан бирдир. Шариатни яхши тушуниш учун ақл ишлатиш зарур. Бир томонлама ақл ишлатишни тўхтатиб қўйиш диннинг ростгўйликка ундовчи моҳиятини тушунишга ғов бўлиб, риёкор ва низо чиқарувчи одамлар домига тушиб қолиши ва қавмнинг ўзинигина чегараланган расм-русумлари ва одатлари асоратига мутеликни келтириб чиқаради.

Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик қарашларида бу масалага бошқача ёндашилади. Форобий Платонга қарши чиқиб, руҳ абадий эмас ва у бир танадан бошқасига кўчиб юрмайди, дейди. Демак, руҳ муайян тана билан боғлиқ. “Ҳар бир ўсимликнинг тури муайян руҳга эга. Бу руҳ шу турдаги ўсимликнинг шаклидир”[6;174]. Демак, руҳ–бу, нарсанинг шаклидир. Нарсадан ташқари бу руҳ умумий, яъни шу турдаги нарсаларни бирлаштирувчи субстанция, хусусият мазмунига эга. Ушбу мазмундаги руҳнинг абадийлиги бутунлай бошқа, диний бўлмаган маънога эга. Онгли (ақлга эга бўлган) руҳ жисмнинг ўлимидан сўнг фаол ақл, яъни инсониятга хос бўлган қобилиятга қўшилади. Форобийнинг фикрига кўра, фозил, билимга эга одамлар руҳи абадий бўлиб, жоҳиллар руҳи жисм ўлимидан кейин йўқ бўлиб кетади. Бошқа бир мутафаккир Ибн Рушд инсоний руҳнинг абадийлигини инкор этади. Инсоннинг тафаккури, хотираси билан боғлиқ бўлган онгли руҳ бу хусусиятларнинг сўнишидан кейин

ФАЛСАФА-СИЁСАТ

сақланиб қолмайди. Моддий, индивидуал ақл йўқ бўлиб кетади, фақат умуминсоний, универсал ақл абадийдир. Яна бир аллома Абу Али ибн Сино ҳам бу масалага эътибор бериб, Форобий ва Ибн Рушд фикрларига қўшилади. Шу билан бирга ўз асарларида руҳнинг моддий эмаслиги, унинг идеал табиатига урғу беради.

Форобий ҳам, Ибн Сино ҳам ўзларининг гносеологик қарашларида билим ташкил бўлиши механизмини аниқлаш, унинг табиатини тушунтиришга ҳаракат қилишди. Улар томонидан ақлга берилган талқин бу масалага доир қарашларини ойдинлаштиради. Форобий инсон туғилиши билан ақлга эга бўлади. Ақл ақлий шаклларни қабул қилувчи моддада жойлашади, дейди. Бу ғоя Форобийнинг психиканинг физиологик асоси ҳақидаги таълимотида, Ибн Синонинг “Руҳ ҳақида”, “Нажот китоби”, “Тиб қонунларида” кенг ёритилган. “Инсоний руҳ, – деб ёзади Форобий, – ўз борлигини шундай мукаммал даражага кўтарадики, унга мавжуд бўлиши учун модданинг кераги бўлмай қолади, чунки у моддийликдан озод бўлган борлиқлар мажмуаси, материядан ажратилган субстанциялар билан қўшилади”[6;288]. Ўрта аср Шарқ алломаларининг руҳ ҳақидаги таълимоти гносеологик изланишларда янги асос ва янги йўналишда ривожланаётганлигини кўрсатган.

Ўрта аср Шарқ теологиясида мутафаккирларнинг моддий дунёни ўрганишга қаратилган қарашлари аёвсиз танқид қилинган, файласуфларнинг ўзи эса худосизлик, эътиқодсизликда айибланди: “...барча файласуфларнинг, кўп сонли тоифаларининг қай бирига мансуб бўлишига қарамай, бир хил тамғаси бор – эътиқодсизлик ва худосизлик тамғаси...”[7;221].

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари илоҳиётчилардан фарқли ўлароқ, ўзларининг гносеологик қарашлар тизимини ишлаб чиқишда, билимлар ишончлилиги ҳақида тушунчаси ва билимлар ишончлилигини аниқлаш меъёрларига яна бир муҳим элементни киритишади. Мутакаллимлар билимлар ишончлилиги масаласида анъаналар, Қуръонга мурожаат қиладилар. Муътазилийлар биринчилар қаторида бундай ёндашишга қарши чиқиб, инсон яратган нарсалар доирасида пайдо бўладиган масалаларда ва ҳақиқатнинг аниқланишида устунликни ақлга берадилар. Ашъарийлар анъанасида ҳам бундай ёндашиш сақланади. Мутафаккирларнинг гносеологик қарашлари орқали мантиқ фанини ривожлантирдилар,

билимнинг ишонарлилиги даражасини аниқлашнинг мантикий усулларини ишлаб чиқдилар.

Пайғамбар ваъзалари, унинг ва саҳобалари қарашлари, тасаввурлари ва хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ривоятлар ва уларнинг талқини илоҳиёт биносининг пойдеворини ташкил этди. Бу нодир материал эди, лекин шу билан бирга у субъектив эди, чунки текшириб ва такрорлаб бўлмайдиган индивидуал тажрибадан ташкил топганди. Уни қабул қилишда текшириш эмас, фақат ишонч талаб этиларди.

Ўрта аср Шарқ илоҳиётида ҳам исботлаш, хулосаларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида мантикий усуллардан кенг фойдаланилган. Дунёвий фан эса илоҳиёт усулларида фарқ қилувчи ишончли қарашлар тизимини ўзаро мувофиқлаштирилган тизимини ишлаб чиқиши керак эди. Шунинг учун ўша даврда мантиқ фани жуда қадрланган. Мантиқ ва ақл ҳақиқатнинг ягона ва ҳақиқий асоси эди. Бу тизимда оддий тушунилган ишончга ўрин йўқ эди. Мана шу нуқтада ўрта аср Шарқ гносеологияси ва теологиясининг кесишуви, келишуви ва уйғунлиги намоён бўлади. Яъни ҳар иккиси ҳам ўз қарашларини асослашда мантиқ ва ақл ҳақиқатидан фойдаланади. Форобийнинг фикрича, фалсафа ва дунёвий фанларнинг мақсади ҳақиқатни излашдан иборат бўлса, дин ва диний фанларнинг мақсади – эзгуликка етишиш, яъни диний таълимотга риоя қилувчи жамиятнинг фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Бундай жамият аъзоларини Қуръондаги мажозий рамзлар ёрдамида диний қонунга риоя қилдириш мумкин. Ҳақиқатни излаш фалсафанинг вазифасидир, диннинг эса бунга мутлақо алоқаси йўқ.

Арасту таълимотининг мусулмон мутафаккирларига катта таъсири сабабли ҳозирги давр Ғарб фалсафасида уларни “шарқ перипатетиклари”, деб номлаш ҳам қабул қилинган. Улар Қадимги Юнонда асос солинган мантиқ, руҳ, ақл ҳақидаги таълимотларни ислом илоҳиёти, ҳуқуқшунослиги, фалсафа ва дунёвий фанларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини тан олганлар. Масалан, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синоларнинг фалсафанинг йирик муаммолари ва оламнинг табиий-илмий суратига бағишланган ўзаро фалсафий хат ёзишуви жаҳон фалсафий ва табиий-илмий фикри тарихига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ушбу ёзишув таркибига Аристотелнинг “Осмон ҳақида” ва “Физика” асарлари бўйича Берунийнинг саволлари ва Ибн Синонинг бу саволларга берган

жавоблари, Берунийнинг бу жавобларга эътирозлари ва ўз навбатида Ибн Синонинг шогирди Маъсумий томонидан ёзилган Ибн Синонинг эътирозлари киради. Бу ёзишув алломалар илмий фаолиятида муаммо ва мавзулар мазмунини аниқлаш, илмий тадқиқот усулларининг шаклланишида катта аҳамият касб этди.

Форобий, Абдуллоҳ Хоразмий, Ибн Синолар асарларида мантиқ ҳар қандай назарий фикр юритиш, илмий билимнинг зарурий асоси сифатида етакчи ўрин эгаллайди[5;18]. Мантиқ алоҳида умумилмий фан сифатида шакллана бошлайди, барча инсоний билимлар унинг талабларига риоя қилиши лозим бўлади. Илмий-фалсафий билимнинг ижтимоий функцияси билимларнинг тажрибага асосланган амалиётини кенгайтирди, методологиянинг янги соҳасига йўл очиб берди ва билимлар ишончилигини аниқлаш учун янги асос яратиб берди.

Ўрта аср Шарқ теологиясини тасаввуфсиз тасаввур қилиш қийин. “Тасаввуфнинг бош вазифаси борлиққа эмпирик маъно бериш, унинг зоҳирий кўриниши (сурати) дан, яъни атроф муҳитдан халос бўлиш, ҳиссиётлар ва ақлдан ташқари турувчи руҳий-маънавий ҳақиқатни топишга қўмаклашадиган психологик ва амалий усулни танлашдир. Охир-оқибатда тасаввуф яхлит илоҳий вужуд билан қўшилиб, оламнинг олий ҳақиқатига эриб, қоришиб кетишни даъво қилади”, деб тасаввуфга таъриф беради С.М. Хотамий[9;51-52].

Инсонга хос билимнинг чекланганлиги масаласи, Қуръонда эътироф этилган, билимларнинг илоҳий ва инсонийга бўлинишидан ташқари, ақлнинг ўзи нуқсон ва камчиликларга эга эканлигидан ҳам келиб чиқади. Бу масала айниқса каломда яққол намоён бўлган. Мантикий асослаш усулидан кенг фойдаланган мутакаллимлар (айниқса мўътазилийлар) қарама-қарши, бир-бирига зид мулоҳазаларни исботлаш мумкинлигини фаҳмлашган, бунинг натижасида мантикий, ақлий (рационал) исботланган ҳақиқатга кафолат беролмасликларини тушунишган. Улар олдида энди ҳақиқатнинг ишончилигини исботловчи усулларни излаш муаммоси гавдаланади. Илк мўътазилийлар бундай усул сифатида Қадимги Юнон скептикларининг атараксия усулига ўхшаш “суқун ан-нафс” (“руҳ сокинлиги”) ёки “суқун ал-фаҳм” (“ақл сокинлиги”) усулини таклиф этишади. Илоҳий билим– бу, интуитив, бевосита билим бўлиб, инкор этилишдан ҳар томонлама ҳимояланган

ва шубҳа туғдирмайдиган билимдир. Унинг асосида барча қолган билимлар пайдо бўлади. Бу қолган билимлар тажриба ва амалиётдан олинган билимлардир. Инсоннинг бутун ҳаёти билим орттиришдан иборатдир. Уларнинг тўғрилиги, ишонарлилигини қандай қилиб текшириш мумкин? Бунинг икки усули мавжуд: объектив – билимларнинг мавжуд нарса ва ҳодисаларга адекватлиги, мувофиқлиги; ва субъектив – “суқун ан-нафс”дир (“руҳ сокинлиги”). Иккинчиси афзалроқдир, чунки ақл шубҳаларни бартараф этиш билан боғлиқ ўз ишини бажариб бўлди, тинчланган руҳ эса ҳақиқат исботланганлигидан далолат беради. Ўз автобиографик асарида буюк илоҳиётчи Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ҳиссиёт орқали олинган маълумотлар ҳам, ақл асосида олинган билимлар ҳам, орттирилган эътиқодлар ҳам ҳақиқий билим бермайди, чунки ақл уларнинг ишонарлилигини баҳолаб беришга ожизлик қилади. Ҳақиқий билим “қалбимизга тушган Оллоҳнинг нуридир”, у “бизни дарду, касалимизга шифо беради, руҳимизни емирувчи шубҳадан озод қилади”[10;213-217].

Имон тўғрисидаги тасаввуфнинг хулосаси шундан иборатки, имон моддий дунёни билиш жараёнига кириб кетади. Ҳақиқий билим (яъни мистикавий, интуитив ва рационал билиш усулларидан фойдаланиш ёрдамида орттириладиган билим) орттириш учун эса дунёни билишга интилиш лозим. Тасаввуфга кўра, билим нарсанинг ўзидир[11;27]. Билиш, маълум бир вақтда давом этадиган гносеологик акт эмас, билим эса – борлиқнинг ўзидир[11;36]. Тасаввуфнинг асосий хизмати шундан иборатки, у “имон” тушунчасини шакллантиради ва уни “билимдан” фарқлайди. Ундан ташқари, Оллоҳни билиш муаммосининг тушунилишига доир далиллар ишлаб чиқди. Моддий дунё нарса ва ҳодисалари ҳақида рационал билим бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатиб беради, уларга нисбатан фақат “имон” тушунчаси ишлатилиши мумкин, улар ҳақидаги “билим” эса иррационал ва шахсий бўлиши мумкин, лекин у илмий ва асосланган бўлмайди[12;161].

Ўрта аср араб-мусулмон Шарқида илмий салоҳият ҳеч бир асоссиз, ўз-ўзидан ривожланиши мумкин эмас эди. Бинобарин, бу заминда асрлар давомида шаклланиб келаётган илмий тараққиёт ва муносиб шарт-шароитлар мавжудлиги боис[13;76-81] гносеологик дунёқараш ҳам ошиб борган. Бундай қулай шароит қадимги юнон илмлари

ФАЛСАФА-СИЁСАТ

асосида вужудга келган фалсафий илмларнинг турли йўналишларини – математика, физика, география, кимё кабилар, шунингдек, фалсафа, мантиқ, ахлоқ фанларининг ривожланишига таъсир кўрсатган. Шу билан бирга диний, исломий илмлар, аниқроғи араб илмлари сифатида ислом илоҳиётини ташкил қилувчи калом илми, ҳадисшунослик, шариатга асосланган фикр – ҳуқуқшунослик, Қуръонни тафсирлаш каби масалаларни, шунингдек, араб тили ва грамматикаси, араблар тарихи (исломдан сўнги) илмларида ҳам ворисийлик асосида ривожланиб борганлигини кўриш мумкин.

Ўрта аср Шарқ илмий майдонида йиғилган араб, форс, турк, юнон, мусулмон, насроний, яҳудий, шунингдек, бошқа миллат ва этникларга мансуб олимлар ҳамкорликда ўша давр илмларининг деярли барчаси билан шуғулланиб, қатор соҳаларда йирик кашфиётлар билан бирга янги асарлар ёздилар.

Ўрта аср Шарқ фикрлаш тарзининг янгиланишини бу даврдаги гносеологик қарашларни диний дунёқараш билан келиша олганлиги, бир бирини тўлдириб, ривожлантириб борганлигида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам барча илмлар ривожланган, теологик қарашлар ҳам гносеологик изланишлар муштараклиги юзага келган. Зеро, “Дунё халқларининг кўпчилиги осмон жисмларига “Худо ёки унга тегишли аскарлар”, деган назар билан қараб турган бир пайтда, мусулмонлар Қуръони Карим оятларидан руҳланиб, фалакиёт илмига асос солдилар”[14;85]. Ману шу фикр ҳам ислом теологиясининг ривожланганлиги, гносеологик қарашлар билан синтезлашган ҳолда ўзининг янги қирраларини намоён қилганлигини кўриш мумкин. Бошқа барча илмлар қатори, фалакиёт илмидаги кашфиётларга ҳам мусулмонларни Ислом теологиясининг ривожланиши таъсир кўрсатган. Бир гуруҳ фалакиёт илми мутахассислари ўз касбларига оид бир китобни музокара қилиб ўтирганларида, диний уламолардан баъзилари ўтиб қолиб: “Нима қилипсизлар?”, деб сўрабдилар. Шунда фалакиётчилар: “Оллоҳ таолонинг “Туянинг қандай халқ қилинганига, осмоннинг қандай кўтарилганига назар солмайдиларми?”, деган оятнинг шарҳини ўрганмоқдамиз”, деб жавоб берган эканлар[14;85]. Шу боис фалак илми ҳақидаги китобларнинг аввалида бу илм осмондаги нарсаларни ўрганиш орқали Оллоҳнинг қудрати чексизлигининг ақлий исботига олиб боровчи илм эканлиги таъкидланади. Демак, бундан кўринадики, ислом дини чорлови, қўллаб-қувватлови билан

ҳам илмий фаолият ривожлана борган. Зеро, “ислом хурофот ва башоратлардан қайтарувчи, ақл ва ҳужжатларга асосланувчи диндир. Ислом ҳеч қачон борлиқ ҳақиқатларига зид келмайди. Мусулмон олимлари эса кўплаб илмий ҳақиқатларни исботлаб, хурофот ва тахминларга барҳам берганлар”[15;76]. Юқоридагилар асосида хулоса қилиш мумкинки, ислом теологиясининг юнон ва ҳинд гносеологик қарашлар методологияси билан синтезлашуви натижасида ислом илоҳиётшунослигининг ривожланганлигини кўриш мумкин. Юнон ва ҳинд гносеологик қарашлар тизимининг таъсирини ҳинд тилидан араб тилига таржима қилинган “Синдҳинд” асари ва юнон тилидан араб тилига ўғирилган “Ал-мажистий” асарларини узоқ йиллар давомида Шарқ мамлакатларида фалакиётни ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилганлигидан ҳам кўриш мумкин. Демак, бу даврда ижтимоий зарурат ва бу асосдаги илмий тадқиқотлар фалакиёт илмининг ривожланишига таъсир кўрсатган. Эришилган натижалар, назарий фалакиётни амалий тажрибалар сари етаклади. Бундай изланишларни ислом теологияси билан ягона мақсад сари ҳаракатланиши асосида ўзига хос гносеологик қарашлар тизими шаклланди. Бу жараёнларнинг барчаси фалакиётнинг фан сифатида вужудга келиши ва кейинги ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Ўрта аср Шарқ риёзиёти худди фалакиёт сингари қадимги юнон, ҳинд, форс, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё халқлари меросини ўрганиш ва ривожлантириш асосида шаклланди ва юксалди. Умуман олганда, ўрта аср Шарқ халқларининг илмий меросида бу икки фанни бир-биридан ажратиб бўлмайди[1;134]. Ушбу ажнабий истилоҳни “ҳисоб илми”, десак ҳам бўлади. Ҳисоблаш учун рақамлар керак. Ҳозирги кунда ҳисоблашда дунё араб рақамларини ишлатади. Лекин “мазкур рақамларни араб рақамлари эмас, балки Ислом рақамлари, деб атаган бўлар эдим. Чунки Исломдан олдин араб рақами, деб аталаётган нарсаси бўлган эмас. Ҳатто Ислом оламида ҳам дастлаб юнон рақамлари ишлатилар эди. Исломнинг фазли билан илм-фан ривожланди, кўпгина илмларга асос солинди”[14;88]. Шундай экан, ислом уйғонишининг натижасида юзага келган илмий ривожланишининг асл моҳиятини англашда, унга ёндашишда ислом дини омилларнинг ролини асло камайтирмаслик керак.

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари гносеологик қарашларининг шаклланишида ва бу асосда фанлар, фалсафий қарашлар ва

бошқа тафаккур тарзининг такомиллашуви ижтимоий тараққиёт ва барқарорлик учун муҳим омил ҳисобланган.

Хулоса қилганда, ўрта асрлар ислом фалсафасининг ривожланишида ворисийлик анъаналари ва уни юксак даражада қадрлаш туйғуси кучли таъсир кўсатаганлиги маълум бўлади. Исломий ва дунёвий илмларнинг ривожланишидаги ворисийлик анъаналари ҳам уларни бир бирини тўлдириши, уйғунликда

ривожланишини таъминлаган. Шунингдек, ислом дунёсидаги бу даврдаги эркин ва рағбатлантирувчи ижтимоий муҳит, илмни ва илмни инсонни қадрлаш туйғуси уларда ворисийлик анъаналарини ҳам ҳурмат қилишга ундаган ва бу асрлар давомида илмий фаолиятни авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб ва мукаммаллашиб боришига таъсир кўрсатган.

Адабиётлар:

1. Абдуҳалимов Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). –Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ислом маърифати ва ҳозирги замон. Масъул муҳаррир А.Абдуллаев. –Т.: Тошкент ислом университети, 2017.
3. Сайидахмедова А.С. Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини. Ф.ф.н. илмий дар...автореферат.- Т.: 2009.
4. Ибн Сина. Книга о душе // Ибн Сина. Избранные философские произведения. – М.: 1980.
5. Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг “Фи маъоний ал-ақл” асарида гносеологик масалалар: методик қўлланма. –Т.: “Tamaddun” 2012.
6. Аль-Фараби. Существо вопросов // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. / Сост. С.Н. Григорян, А.В. Сагадеев. М.: Соцэкгиз ИФ АН СССР, 1961.
7. Газали. Избавляющий от заблуждения. (Пер. А.В. Сагадеева) // Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана (VII-XII вв.). – М.: Изд-во АН СССР, 1960.
8. Хайруллаев М.М. Введение//Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии.- Т.: Фан, 1981.
9. Хотамий Сайид Мухаммад. Ислом тафаккури тарихидан.- Т.: “Минҳож” нашриёти, 2003.
10. Газали. Избавляющий от заблуждения // Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII- XII вв.- М., 1960.
11. Насыров И. Р. Онтологические и гносеологические основания исламского мистицизма (генезис и эволюция).- Автореф. дисс. ...д.ф.н.- М., 2007.
12. Фролова Е.А. История средневековой арабо-мусульманской философии.- М., 1995.
13. Вахובהва Б. Научные традиции в Средней Азии по материалам арабоязычной биографической литературы XII-XIII вв. // Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. –Т.: 1993.
14. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Т.: “HILOL-NASHR” нашриёти. 2019.
15. Саржоний, Доктор Роғиб. Ислом ва олам. –Т.: Имом Бухорий халқаро маркази, 2018.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc)).